



**«Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-  
кимё комплексини қуриб конларни қидириб топиш ва  
қазиш орқали «Мустақилликнинг 25 йиллиги»  
инвестицион блокида геология-қидириув ишларини  
ўтказиш» лойиҳаси технологияси**

**г. Ташкент  
2021 г.**

# Содержание

## Мундарижа

- |   |  |   |  |
|---|--|---|--|
| 1 | Максад   | 5 | <u>Атроф-мухит ҳолатининг эҳтимолий<br/>ўзгариш прогнози</u> |
| 2 | АМҲШНИ бажариш   | 6 | <u>Салбий таъсирни пасайтириш бўйича<br/>чора-тадбирлар</u>  |
| 3 | <u>Объектларни жойлаштириш ҳудудида<br/>атроф-мухит ҳолати</u> | 7 | <u>Холосалар</u>   |
| 4 | <u>Қўриқланадиган ҳудудлар</u>                                 |   |  |

## Мақсад

"Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуаси қурилиши билан "Мустакилликнинг 25 йиллиги" конини қўшимча қидириш ва ўзлаштириш билан "Ўзбекистон Мустакиллиги" инвестиция блокида геологик қидирув ишларини олиб бориш " лойиҳаси бўйича АМҲШ бажариш **мақсади - режалаштирилган фаолиятдан сезиларли потенциал таъсирларни аниқлаш, атроф-муҳитга салбий оқибатларни ва хавфларни прогноз қилиш ва салбий таъсирлар, шунингдек у билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларни камайтириш.**

Лойиҳани амалга ошириш 2017 йилда Оператор томонидан лойиҳанинг ДТИА ва АМТАЛни ишлаб чиқиш билан бошланган.АМТАЛга ДЭЭ томонидан 29.05.2018 й. даги 03-01/13-08-1109 -сонли ижобий хулосасида "... инвестиция лойиҳасининг хар бир қурилиш майдончasi бўйича АМТАНИНГ алоҳида лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этиш лозим"Бугунги кунда Оператор Давлат экология қумитаси томонидан маъқулланган АМҲШ бўйича 26 процедураларни амалга оширди (ДЭЭ хулосаси).

# АМҲШНИ БАЖАРИШ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қабул қилинган меъёрлар, қоидалар ва стандартлар;
  - ✓ Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.
- АМҲШ таркиби ва мазмани, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли "Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ тартибга солинади. Атроф-муҳит ҳолати ва фуқаролар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар давлат экологик экспертизани бажариш учун АМҲШ материалларини тақдим этишлари талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва меъёрий базалари <https://www.lex.uz>, <https://www.nrm.uz> сайтида мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-боб 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларининг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари унинг ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисмиdir.

The screenshot shows the LexUz online database interface. At the top, there are logos for LexUz (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan), KARANTIN QOIDALARIKA RIJOY KILING!, and hudud24. The main header reads "Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурӣ регламентларнинг электрон тўплами". Below the header is a navigation bar with tabs: Официальные акты (Official Acts), О LexUz, Издания (Publications), Справочники (Reference Materials), and Acts in English. A search bar is present with fields for "Номер акта" (Document Number), "Наименование акта" (Name of the act), "Слово и фраза в тексте" (Word or phrase in the text), and "Орган" (Organ). To the right of the search bar are filters for "Местной власти" (Local authorities), "Международные" (International), "Технические" (Technical), "Судебная практика" (Judicial practice), and "Судебные решения" (Judicial decisions). The date "Сегодня: 24 апреля 2021 г." (Today: April 24, 2021) is shown at the bottom left, and "Дата обновления базы: 23 апреля 2021 г." (Database update date: April 23, 2021) at the bottom right. The interface also includes language selection (Russian, Uzbek, Oʻzbekcha) and a search button. On the left side, there is a sidebar with links to "Все ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА" (All legislation of Uzbekistan), "Кадровый Консультант" (Recruitment Consultant), "Малое предприятие" (Small business), "Налоги: Вопросы и ответы" (Taxes: Questions and answers), "Практическая Бухгалтерия" (Practical Accounting), "Практическое Налогообложение" (Practical Taxation), and "Проверки от А до Я" (Checks from A to Z). The central column displays sections for "ВСЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА" (All legislation of Uzbekistan) including "Некоммерческая версия" (Non-commercial version) and "Платная версия" (Paid version). The right sidebar lists "Системы" (Systems) such as "Специалисту ВЭД", "Кадровику", "Бухгалтеру и финансисту", and "Руководителю, юристу". Below the sidebar are logos for "NORMA online", "NORMA", "NORMA MASJADATCHI", and "СОЛИК & УКРАИНСКИЙ".

•••

Лойиҳа бир неча босқичдан иборат:

- М-25 конида ишлаб чиқариш қудуқларини қуриш;
- кончилик қисмни тартибга солиш;
- ташқи инфратузилмани қуриш;
- олтингугұртни сақлаш ва грануляция майдончаси билан Бойсун газни қайта ишлаш заводини қуриш;
- чиқындарнан күмиш бүйічә полигон қурилиши.




Лойиҳада ГҚЗ ва ГКМ жойлашуви учун 8 хил варианлар күриб чиқылған. Күриб чиқилиш учун якуний 2 хил варианлар - № 7 ва № 8 қабул қилинганды. Оператор томонидан ГҚЗини 8-сонли майдончада, ГКМини эса 7-сонли майдончада қуриш қарори қабул қилинди. 8-сонли майдончадан фойдаланиш ахоли ва атроф-мухит учун ҳавфни камайтиради, лойиҳаның технологик ва иқтисодий мақбуллаштиришга ёрдам беради (узунлиги 20 км бўлган олтингугурт таркибли газни ташиш газ қувуруни қуриш ва газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини ўрнатишга ҳожат бўлмайди).

# Объектларни жойлаштириш ҳудудида атроф-муҳит ҳолати

6

Лойиҳа обьектлари Бойсун шаҳрининг туман марказидан жануби-шарқда, 18-20км да, Қумқўрғон шахарнинг шимоли-ғарбда, 46 километрда жойлашган. БГҚЗ қурилиши майдончаси Хонгаронсой дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Геоморфологик жиҳатдан кўриб чиқилаётган ҳудуд Сурхондарё тоғлараро чўнқири ҳудудига тегишли (Бойсунтоғ тизмасининг жанубий ҳудуди). Гидрографик тармоқ кичик номсиз сойлар билан ифодаланади. Туманнинг асосий сув йўли бўлиб Шерободдарё (Мачайдарё) ҳисобланади. Экологик аудит ва экомонитор натижалари қуидагиларни кўрсатди:- табиий сувларда нефтнинг ифлосланиш даражаси 0,01 мг / дм<sup>3</sup> дан 0,015 мг/дм<sup>3</sup> гача;- ер усти сув оқимларнинг пастки чўқмалари оғир металлар ва заҳарли элементлари ифлосланишга эга эмас; "Мустақилликнинг 25 йиллиги" кони ҳудудида атмосфера ҳавосини ноорганик чанг, углерод оксиди, азот диоксиди, углеводород ва олtingугурт водороди ЧРК ва ҳудуднинг фон даражасидан ошмайди. Тадқиқот қилинаётган ҳудуд атмосфера ҳавоси юқори антропоген юкни ҳис этмайди.



ГҚЗ қурилиши майдончаси жойлашиш чизмаси

Метеорологик шароитлар атмосфера ҳавоси ифлосланиш таркиби фон концентрациясига таъсир ўтказади. Йил фасллари ҳаво массаларининг ўзгариши ва суткалик ҳароратнинг анча кучли тебраниши, баъзан эса ёғингарчилик билан ифодаланади. "Мустакилликнинг 25 йиллиги" кони ҳудудида атмосфера ифлосланишининг индекс йиғиндиси (АИИ) ва стандарт индекси (СИ) паст даража учун меъёрда 1 дан ошмайди АИИ<5 ва СИ-1.



Лойиҳа қурилишининг ўрганилаёган тупроғи тўлиқ Хисор тизмасининг тоғ олди-тоғ ҳудуди чегарасида жойлашган. БГҚЗ қурилиши ҳудудига натрий сульфат устунлиги билан сульфат тузланиш хос ҳисобланади. Майдончаларнинг геологик тузилишида кечки неоген ( $N_2$ ) ва юқори тўртламчи (QII) ётқизиқлар киради. Ўрганилган 20,0 метр чуқурликда тупроқ-ўсимлик қатламли ва тўкма тупроқлар билан ёпилган бешта муҳандис-геологик элементлар (МГЭ) ажратилди: МГЭ-1 - лойли ва қумли; МГЭ-2 - чангли қумлар; МГЭ-3-глинқ; МГЭ-4 - қумтошлар; МГЭ-5 - алевролитлар. Ҳисобланган сейсмиклик: 7 баллик зона учун - 8 балл ва 8 баллик зона учун - 9 балл. Тавсия этилган муҳандислик фаолияти: антисейсмик, коррозияга қарши, чўкишга қарши (қалин қумли лой ва лойли жойларда).



Ўсимликлар нобуд бўлиши ва тупроқ қоплами бузилганда табиий жамоаларни доимий равишда иккиласида бегона ўт ўсимликлари билан алмаштириш мумкин ва камёб турларнинг популяциялари камайиб, йўқолиб кетади. Доминант ўт турларига ковул, янтоқ, гармала, мимозка, шувоқ, ёйилиб ўсадиган лангар ўт, қумшох, буғдойик ва бир қатор бошқа ўт турлари киради. Лойиҳа майдонининг сут эмизувчилар фаунаси таркибига 12 та тур киради, улардан фақат узун бўйинли типратикан Ўзбекистон қизил китобига киритилган. Бошқа турларидан энг кўп қисмини кемирувчилар – қизил думли гербил, шарқий слепушонка, ёки полевка, уй сичқони, кулранг хомяк ва шунга ўхшаш йиртқич сут эмизувчилари-тулки, дашт мушуғи, вайсақи, перевязка ташкил етади.



БГҚЗ қурилиши майдончаси кул ранг  
ер камарида ландшафтнинг умумий  
кўриниши



Корольков  
лоласи



Ўрта осиё  
тошбақаси



**SURHAN GAS CHEMICAL**  
OPERATING COMPANY

Оператор Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилиги талабларига ва МБТК 5-иловаси 5 ва 24,8-моддаларига мувофиқ ҳудуднинг экологик аудитини ўтказди ва ҳар йили экологик мониторингини амалга оширади. 2018-2020 учун экомониторинг Оператор фаолиятидан тўғри ва сезиларли экологик таъсирни кўрсатмади.

#### Экологик мониторинг натижалари:

- **Атмосфера ҳавосининг ҳолати ва ифлосланиши.** Атмосфера ҳавосининг олtingугурт диоксиди, азот диоксиди, муаллақ моддалар, углерод диоксиди, олtingугурт водороди ва углерод билан ифлосланиш даражаси ЧРКмб дан ошмайди ва фонли даражада. Инвестиция блоки ҳудудида углеводородларнинг концентрацияси ЧРК чегарасидан ошмайди.
- **Сирт сув оқимларининг ҳолати.** Нефт углеводородининг сувда ифлосланиш даражаси фон даражасидан ошмаган ва таҳлил қилинадиган 0.01 мг / л дан 0.015 мг/л гача оралиқда ҳисобланади; - Тупроқ. Тупроққа асосий юклама бўлиб тупроққа маҳсус ускуна ва транспорт воситаларини ҳаракатга келтиришда механик таъсир ҳисобланади. Тупроқ қопламидаги юкламани камайтириш учун транспорт воситаларининг ҳаракати қатъий назорат қилинади-келишилган йўналишлар бўйича қатъий ҳаракатланишга руҳсат этилади. Инвестиция блокининг бутун майдони бўйича тупроқларда нефт углеводородларининг даражаси 1 мг / г дан ошмайди ва фон даражаси ҳисобланади.
- Ҳайвон ва ўсимлик ҳаёти.**

Инвестиция блоки ичida Миллий қизил китобга киритилган 68 ўсимлик тури мавжуд. Нодир ўсимликлар ҳудуднинг тоғли қисмида, шунингдек, Сурхон-Шеробод тизмаси бўйлаб тўпланган. Энг ноёб турлари тор стенотопик эндемиклардир. Ўрганилаётган ҳудуднинг ўсимлик жамоалари орасида турли қатламлар билан боғлиқ гипсофитлар бирлашмалари ҳамда арча дарахтлари антропоген таъсирларга жуда сезгирилди. Ҳайвонларнинг яшаш жойларининг 4 та асосий груҳи мавжуд бўлиб, уларнинг экологик шароити ландшафтнинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд ўсимликлари: тоғлар, тоғ олди, интразонал ва қуий тоғ олди текисликлари ва водийлари билан боғлиқ. Ҳар бир груҳга бир неча турдаги умуртқали ҳайвонлар (амфибиялар, судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилар) киради. Барча яшаш жойлари қониқарли ҳолатда. Истисносиз барча ҳудудларда кичик қорамолларни ўтлатиш кузатилади. Доимий намлик манбаларига эга бўлмаган яшаш жойлари турлари, шубҳасиз, ҳайвонот дунёсининг ҳолатига таъсир қиласидиган сезиларли камчиликни бошдан кечиради. Кичик кемиравчилар сони жуда паст даражада. Бу эса, ўз навбатида, йиртқич қушлар ва сут эмизувчиларнинг тур ҳолатига ҳам, микдорий таркибиغا ҳам таъсир кўрсатади. Орнитофауна ҳолати қониқарли ҳолатда; териофауна ҳолати қониқарсиз ҳолатда; қуруқ йиллар ўтхўрлар ва йиртқичлар учун озиқ-овқат ресурслари етишмаслигига таъсир кўрсатди.



# Қўриқланадиган ҳудудлар

9


Лойиҳа ҳудуди радиусида қўриқланадиган табиий ҳудудлар рўйхати (01.01.2017й. ҳолатига)

№ т/р	ҚТҲ номи	Ташкил этиш санаси ва асоси	Умумий ер майдони (га)	Бўйсимиш даражаси		Идоравий муносабилиги
				Респ.	Маҳалл.	
I ТОИФА: Давлат қўриқхоналари						
1	Сурхон	1987. ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 08.09.86. даги 445-сонли қарори	23802,38	+		Давлат экология қўмитаси
VI ТОИФА: Сув қўриқлаш ҳудудлари						
2	Шерободдарё	Вилоят хокимининг 1995й. даги 43-сонли қарори	2630		+	Сув хужалиги вазирлиги
VII ТОИФА: Ўрмон хужалиги корҳоналари						
3	Бойсун	01.01.1928 й.	115949	+		Ўрмон хужалиги вазирлиги

## БГҚЗ чиқиндилари.

БГҚЗ объектларидан фойдаланиш давомида манбаси ишлатилган фильтр элементлари, адсорбент, ишлатилган катализаторлар, ишлатилган керамик шарчалар, ишлатилган ёғлар, шлам, коммунал чиқиндилар бўлган БГҚЗ технологик тизими ишлаб чиқаришнинг турли чиқиндилари шаклланади ва 2-5 ҳавфли класс истеъмол қилинади. Лойиҳаланаётган объектларнинг фаолияти давомида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш ва камайтириш мақсадида саноат чиқиндиларини вақтинча сақлаш ва йўқ қилиш учун полигон қуриш режалаштирилган.

**Саноат чиқиндилари полигони-захарли**  
саноат чиқиндиларини марказлаштирилган йиғиш, зарарсизлантириш ва кўмиш учун мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш обьекти бўлиб, корхона фаолияти натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни тўлик утилизация қилиш имконини беради.



# Атроф-муҳит ҳолатининг эҳтимолий ўзгариш прогнози

11

Атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддалар, чиқиндилар, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг прогноз миқдори

Булоқ сувининг сифат кўрсаткичлари

Майдонча номи	Ташламалар т/йил	Сув истеъмоли	Сув узатмаси	Чиқиндилар
		минг.м <sup>3</sup> /йил	минг.м <sup>3</sup> /йил	т/йил
Йиғиш тизими	3847,093	-	-	433
Товар газ газқувури	56,92578	-	-	200
"Насос станцияси-БГҚЗ" сув тармоғи	-	4,0	-	11,55
БГҚЗ га кириш автойўли	-	-	-	-
Кириш темир йўли	-	-	-	-
106 оила учун яшаш шаҳарчаси	10,25893	168,395	139,271	115,39
250 киши учун вахта шаҳарчаси	24,129379	47,91	19,197	171,202
Божхона терминални	0,49926	5,501	1,901	21
Бойсун ГҚЗ	3170,356	2244,48	618,24	1200

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	O'zDST 950-2011 "Ичимлик суви"	"Хужамайхона" булоқ суви
1	Умумий қаттиқлик	мг-экв/л	10 ортиқ эмас	0.8
2	Доимий қаттиқлик	мг-экв/л		7.0
3	Кальций бўйича қаттиқлик Ca <sub>2+</sub>	мг-экв/л		7.6
4	Магний бўйича қаттиқлик Mg <sub>2+</sub>	мг-экв/л		2.2
5	Эркин ишқорлик	мг-экв/л		0.00
6	Умумий ишқорлик	мг-экв/л		2.8
7	Гидрокарбонат (HCO <sub>3</sub> <sup>+</sup> )	мг-экв/л		2.8
8	Хроидлар	мг/л	350дан ортиқ эмас	109
9	Сульфатлар	мг/л	500дан ортиқ эмас	280
10	Фосфатлар	мг/л		1.00
11	Кремнезем	мг/л		5.2
12	Водород кўрсаткичи-pH	pH	6-9	7.5
13	Туз таркиби (NDS)	мг/л	1500дан ортиқ эмас	716
14	Ўтказувчанлик	us/sm		7052
15	Шаффофлик	см		35
16	Лойқалиги	мг/л		0.52
17	Оксидланувчанлиги	мг/л		1.8
18	Таъми	балл		2
19	Ранги	даражা		6.4
20	Ҳиди	балл		2
21	Нитратлар (NO <sub>3</sub> )-1	мг/л	45	0.36
22	Натрий таркиби Na <sub>3</sub> -	мг/л		63
23	Калий таркиби K1+	мг/л		6.5
24	Темир	мг/л		0.1

Бу жадвалларда газ йиғиш ва ташиш тизими, сув таъминоти ташқи инфратузилма тизими объектлари, БГҚЗ автойўлига кириш автойўли, БГҚЗ кириш темир қўли, 106 оила учун яшаш шаҳарчаси, 250 киши учун вахта шаҳарчаси, божхона терминални чиқиндилари ташлама ва оқаваларининг миқдорий қўрсаткичлари, хамда лойиҳа объектларининг сув таъминотининг асосий манбай-булоқ сувининг сифат кўрсаткичлари акс эттирилган.

**Атмосфера ҳавосига таъсири.** Лойиҳаланаётган Бойсун газни қайта ишлаш заводидан фойдаланиш даврида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи 12 та манба ҳосил бўлади, унинг ишлаши давомида ҳаво ҳавзасига газ ёниш маҳсулотлари чиқарилади: Ёкиб ташлаш печлари (2); Газ иситгичи (2); Ёғ иситгичи; Буғ қозони (3); Сув иситиш печи; Генератор қурилмаси; машъала (2). Корхонадан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ташлаш йилига 3170,356 тоннани ташкил этади. Шу билан бирга ҳавонинг ифлосланишига асосий ҳисса олтингугурт диоксиди – 54,6% ни ташкил этади (жадвал). БГҚЗ дан ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши (ЧРК, ҳавфлилик класси, квоталар)

Ингридиент номи	ЧРК, мг/м <sup>3</sup>	Ҳавфлилик класси	Ўрнатилган квота (ЧРК улуши)	Атмосферага чиқарилди, жами		Ташланмалар да улуш фоизи
				г/с	т/йил	
Метан	1,00	4	0,50	1,580028	40,018400	1,2623
Углерод оксиди	5,00	4	0,50	36,091084	984,55923	31,055
Азот оксиди	0,60	3	0,33	2,345846	67,560353	2,131
Азот диоксиди	0,085	2	0,25	9,383382	270,24141	8,524
Олтингугурт диоксиди	0,50	3	0,33	60,079195	1730,2808	54,577
Сажа	0,15	3	0,33	2,697778	77,696000	2,4507
Умумий:				112,177313	3170,356	100

БГҚЗдан фойдаланишда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражасини аниқлаш ва қўшни ҳудуд атмосферасининг сирт қатламида чиқиндиларнинг таъсирини баҳолаш учун атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражасини ҳисоблаш "Эколог 4.5" дастури ёрдамида амалга оширилди, унга кўра қўриб чиқилаётган майдончаларнинг чегараси ортидаги барча ифлослантирувчи моддалар бўйича кўрсаткич ошиши кузатилмайди.

Лойиҳаланаётган обьектлардан фойдаланиш даврида атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг маҳаллий ва рухсат этилган деб баҳоланадиган чиқиндилари бўлади, чунки БГҚЗ майдончасидан ташқаридаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси Сурхондарё вилояти учун белгиланган квоталарга жавоб беради.

## БГҚЗ сув истеъмоли

ГҚЗ сув таъминотининг асосий манбаи-Хужамайхона булоғидан таъминловчи мавжуд Хужамайхона-Бойсун сув тармоғини мавжуд Күшшотут насос стансиясига уланган ҳолда, уланиш нуқтасида 360 м<sup>3</sup>/соат қувватга эга бўлган янги насос стансияси билан сув таъминоти иншоотларини қуришдир. БГҚЗга сув берилиши 29 км узунликдаги "Насос стансияси-ГҚЗ" сув тармоғи орқали БГҚЗ сув берилади. "Насос стансияси-ГҚЗ" сув тармоғига доимий уланиш нуқталари-250 кишилик вахта шахарчаси; 106 оиласга мўлжалланган яшаш шахарчаси; божхона омбори. Вақтинчалик уланиш нуқталари (қурилиш даври учун) – вақтинчалик бино ва иншоотлар (ВБвАИ). Бундан ташқари, мавжуд "Кулқамиш" ва «Хужабулғон» қишлоқ аҳоли жойларига сув қувури уланади.

### U-261 Тизимидан сувни тақсимлаш

Сув стеъмолчиси номи	Водопотребление		
	м <sup>3</sup> /соат	м <sup>3</sup> /сут	минг. м <sup>3</sup> йилига
Хом сувни дастлабки тозалаш ва тақисмлаш тизими (U-261)	280	6720	2244,48
Айланма (совутиш) суви тизими (U-264)-таъминот	150	3600	1202,4
Ичимлик сув тизими (U-265)	5	120	40,08
Деминерализацияланган сув тизми воды (U-266)	100	2400	801,6
Истеъмолчи учун техник сув	25	600	200,4
Ёнғин ўчириш учун сув резервуарлари учун таъминот*	400	9600	3206,4

## БГҚЗ оқава тизими

БГҚЗ қуйидаги оқавалар кўзда тутилган: хужалик-маиший; ишлаб чиқариш; пластли; саноат. U-460 оқава сувларни тозалаш тизимининг асосий мақсади БГҚЗда қайта ишлатиш учун сифати етарли ишлов берилган сув миқдорини максимал оширишдан иборат; қайта ишлатилмайдиган оқимлар ҳайдаладиган қудуққа тўлдириш учун юборилади. М-25 ва БГҚЗ конининг пластли ва оқава сувларини тўлдириш лойиҳаси 2020 м<sup>3</sup> / сутка миқдорида оқава сувларини ҳайдашни ўз ичига олади.

Барча лойиҳавий ечимлар сувдан оқилона фойдаланиш, ускуналарни техник ишончлилигини оширувчи ва экотизимга салбий таъсирни минималлаштиришга олиб келувчи замонавий технологияларни қўллаш билан боғлиқ.

Сув истеъмолчиси номи	Оқава тизими		
	м <sup>3</sup> /соат.	м <sup>3</sup> /сут.	минг. м <sup>3</sup> йилига
U-264 айланма (совутиш) суви тизмига тозаланган оқава сувлари	140	3360	1226,4
U-264 га пароконденсатни қайта ишланиши	11,8	283,2	103,368
Ишлаб чиқариш оқаваси қудуғига ҳайдаш	66	1584	578,16
Хўжалик-маиший оқавалар	5	120	40,08

## Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар

Лойиҳада лойиҳаланаётган обьектларнинг фаолияти давомида экологик юкламани камайтириш бўйича қуйидаги умумий чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- ✓ мажбурий тарзда барча қувурларни коррозияга қарши қоплама билан қоплаш;
- ✓ металл коммуникация ва ускуналарни ЭКХ тизимини қуриш;
- ✓ ёнғин сигнализацияси тизими ва барча бўлиши мумкин бўлган ўт чиқишига қарши курашиш зарур воситалар билан барча технологик майдончаларни жиҳозлаш;
- ✓ майдончаларни ташқи ёритиш, чақмоққа қарши ҳимоя ва ерга уланиш;
- ✓ бегона шаҳслардан рухсатсиз киришдан қўриқлаш чоралари;
- ✓ фавқулодда вазиятларда хабар бериш учун ҳам, шошилинч чоралар кўриш учун ҳам, фойдаланиш мумкин бўлган кенг қамровли технологик алоқа тизими;
- ✓ технологик усукуналарини сақлаш клапанлари билан жиҳозлаш;
- ✓ электр узатиш юқори кучланишли ҳаво таянчларида қушларни шикастланишини олдини олиш учун штирли изоляцияланган темир-бетон ва металл таянчларнинг очиқ ток ўтувчи симларини изоляцияловчи замонавий маҳсус қушдан ҳимояловчи қурилмалар (полимерли ғилофлар) билан жиҳозлаш;
- ✓ оқиши хавфи мавжуд ускуналар остида таглиглар ўрнатилиши керак;
- ✓ тупроқ қопламига ва юзага келган биоценозларга таъсирини камайтириш мақсадида барча коммуникациялар ва автойўлларни ягона чизиқ бўйлаб ётказиши;
- ✓ технологик эҳтиёжлар ва фавқулодда вазиятлар учун машъалалардан фойдаланиш ва бошқалар.

Лойиҳада қабул қилинган технологик ускуналар газни қайта ишлаш бўйича замонавий талабларига жавоб беради.

- ✓ Тадқиқот олиб борилаётган майдончанинг ҳозирги ҳолатини таҳлилий тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда табиий мажмуаларнинг барқарорлигини кўрсатди.
- ✓ Табиий муҳит ҳолатининг прогнози лойиҳа томонидан режалаштирилаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш шарти билан таклиф этилаётган қурилиш соҳасидаги экологик вазиятнинг ёмонлашуви эҳтимолини истисно этадиган ҳақиқатни кўрсатади.
- ✓ Лойиҳа обьектлари фаолияти давомида, ишлаб чиқариш фаолиятида энг юқори устувор замонавий технологияларни жорий этиш, энергия ва ресурсларни тежаш мақсадларига эришиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, касбий саломатлик ва хавфсизлик соҳасидаги талабларга қатъий риоя қилиш орқали таъминланадиган одамлар ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.
- ✓ Режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тараққий этган дунё бўйлаб қабул қилинган барқарор ривожланиш тенденсиясига мос келади, унга кўра маҳсулот сифатини энг юқори халқаро стандартларга яхшилашга атроф-муҳитга мақбул таъсир кўрсатиш билан эришилади.
- ✓ Кўриб чиқилаётган лойиҳа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган стандартларга жавоб беради. Лойиҳани амалга ошириш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига риоя этиш орқали мумкин ва зарур.

**ЭЪТИБОР УЧУН ТАШАККУР БИЛДИРАМИЗ!**



**SURHAN GAS CHEMICAL**  
OPERATING COMPANY